



Ўзбекистон Республикаси
Адвокатлар палатаси
Бошқарувининг 19 апрель 2025
йилдаги 6-сон Қарорига 2-Илова

Этика комиссиясининг 15.04.2025
йилдаги 1-сон қарори билан қабул
қилинган

МАЖБУРИЙ ТУШУНТИРИШЛАР

**Адвокатлар томонидан Интернет тармоғида фаоллик кўрсатиш ва ОАВ
билан ҳамкорлик қилишда Адвокатнинг касб этикаси қоидаларини
қўллаш масалаларига оид**

Замонавий ахборот-телекоммуникация технологияларининг жадал
ривожланиши натижасида Интернет жаҳон ахборот тармоғи, ижтимоий
тармоқлар, турли тармоқ ресурсларининг жамият ва давлатда содир
бўлаётган жараёнларга таъсири тобора ошиб бормоқда.

Интернет тармоғи улкан фойдаланувчилар аудиториясига эга бўлиб,
касбий фаолият ва мулоқот, фикр ва ахборот алмашиш, оммавий ахборот
воситалари (ОАВ) фаолияти, давлат хизматларини кўрсатиш ва бошқа
фаолият турлари учун платформага айланди.

Адвокатлар ҳам ўз касбий фаолиятида, ҳам шахсий сифатда Интернет
тармоғи ресурсларидан фаол фойдаланишлари ҳам табиий жараёндир.

Адвокатура обрўсининг ошиши ва жамоатчиликнинг адвокатурада рўй
бераётган жараёнларга қизиқишининг ортиб бориши муносабати билан
адвокатларнинг оммавий соҳада, шу жумладан оммавий ахборот
воситаларида фаоллашувига шароит яратилганлиги кўзатишмоқда.

Адвокатларнинг Интернет тармоғида ва ОАВ билан ўзаро
муносабатларда ўзини тутишининг аниқ мезонлари мавжуд эмаслиги
адвокатлар ҳамжамяти аъзоларининг оммавий фаоллигини турлича идрок
этиш ва нотўғри баҳолаш учун шароит яратади, бу эса, ўз навбатида,
адвокатуранинг обрўсига ва адвокатнинг шахсий кадр-қимматига путур
еткизиши мумкин.

Шу муносабат билан, адвокатлар томонидан Интернет тармоғида
фаолликни кўрсатишда, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ўзаро
ҳамкорлик қилишда Адвокатнинг касб этикаси қоидаларини қўллашда ягона
ёндашувларни шакллантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси
Адвокатлар палатаси уставининг 18-бандига ва Этика бўйича комиссия
тўғрисидаги низомнинг 1.4 ва 3.8-бандларига амал қилган ҳолда, Ўзбекистон
Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Этика комиссияси қуйидаги
Мажбурий тушунтиришларни беради:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида кафолатланган
фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ҳар қандай ахборотни излаш, олиш ва
тарқатиш ҳуқуқи, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғидан
фойдаланиш ҳуқуқи адвокатлар ҳамжамяти аъзоларига ҳам тўлиқ татбиқ
этилади.



2. Адвокат мақомини олиш ва қасамёдни қабул қилиш чоғида адвокат ўзи танлаган касбнинг хусусияти ва ўзига хослигидан келиб чиқадиган хулқ-атворнинг белгиланган қоидаларини ихтиёрий равишда қабул қилади.

3. Адвокатлар ҳамжамиятига мансублиги адвокатнинг ҳам ҳуқуқий, ҳам бошқа ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича фаол фуқаролик позициясига эга бўлишини назарда тутди. Ушбу позициянинг намоён қилиниши Адвокатларнинг касб этикаси қоидаларида назарда тутилган адвокатларнинг касбий хулқ-атвори принципларига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилиши ва адвокатурага бўлган ишончни мустаҳкамлашга, унинг жамиятдаги обрўсини оширишга кўмаклашиши керак.

4. Адвокат ўзининг Интернет тармоғидаги ва ОАВдаги хулқ-атвори билан адвокатуранинг обрўсига ва адвокатнинг шахсий қадр-қимматига путур етказадиган хатти-ҳаракатлар ва фикр-мулоҳазаларга йўл қўйишга ҳақли эмас.

Шу муносабат билан адвокатлар Интернет тармоғида ёки оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилган ҳар қандай ахборот, ижтимоий тармоқларда ёки бошқа тармоқ ресурсларида билдирилган фикрлар ёки шарҳлардан учинчи шахслар, шу жумладан адвокатнинг касбий обрўсини тўқиш мақсадида фойдаланиши мумкинлигини ҳисобга олишлари лозим.

Интернет тармоғи ва оммавий ахборот воситаларида ахборот тарқатилишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, адвокатнинг профессионал бўлмаган ёки этика қоидаларига зид бўлган ҳаракатлари сони чекланмаган фойдаланувчиларга ошкор қилинади ва шу билан жамоатчиликнинг муайян адвокатга ва умуман адвокатура институтига бўлган ишончига путур етказди.

5. Ахборотни тарқатишда, баёлотлар беришда, бошқа фойдаланувчиларнинг баёлотларини шарҳлашда ёки Интернет тармоғи фойдаланувчилари билан бошқа тарзда мулоқот қилишда, шунингдек оммавий ахборот воситаларида адвокат ҳар қандай вазиятда хушмуомалаликни сақлаши, ҳалол, виждонли ва принципиал бўлиши, касб муомаласи одатларига риоя қилиши керак.

6. Адвокатнинг Интернет тармоғида ва оммавий ахборот воситаларида ахборот тарқатишда, бошқа фойдаланувчилар билан ҳар қандай тарзда мулоқот қилишда, фикр алмашишда ва турли хилдаги нашрларни жойлаштиришда ифодаланган ҳаракатлари ўзининг шакли ва мазмунига кўра бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматига нисбатан ҳурматсизликни намоён этмаслиги, шунингдек бошқа шахсларни обрўсизлантирмаслиги, камситмаслиги ёки ҳақорат қилмаслиги керак.

7. Интернет тармоғида ёки ОАВда ҳар қандай оммавий ҳаракатларни амалга оширишда адвокат маънони, потенциал аудиторияни ҳисобга олиши ва ўз баёлотлари, фикр-мулоҳазалари ва шарҳларининг равшанлигини таъминлаб, уларни икки хил талқин қилинишига йўл қўймаслиги керак.

Адвокатнинг субъектив фикрлари, шу жумладан, унинг ҳуқуқий позицияси, шак-шубҳасиз аниқланган факт сифатида тақдим этилмаслиги ва аудиторияни жалғитмаслиги керак.

8. Табиийки, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларининг ҳимоячилари, ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар сифатида адвокатларга бўлган жамоатчиликнинг ишончидан келиб чиқиб, адвокатларнинг фикри ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга масалалар бўйича ижтимоий фикрини шакллантириш учун аҳамиятли омил ҳисобланади.

Интернет тармоғи ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланувчилар аудиторияси ҳуқуқий онг даражаси, дунёқараши, ҳаётий тажрибаси турлича бўлган ва муҳокама қилинаётган мавзуга ҳар доим ҳам профессионал муносабатда бўлмаган одамлардан иборат эканлигини, адвокат томонидан эса, айниқса у тараф сифатида иштирок этаётган муайян ишлар ва низолар бўйича билдирилган позиция, баёнот ёки шарҳ субъектив, бир томонлама хусусиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, аудиториянинг бир қисмида муҳокама қилинаётган мавзунини ўта ноҳолис эмоционал идрок этишни шакллантириш учун шароитлар яратилиши истисно этилмайди.

Шундан келиб чиқиб, Интернет тармоғида ёки ОАВда ноҳолис, бир томонлама ахборотни жойлаштириш (эълон қилиш) билан боғлиқ масъулиятсиз ва профессионал бўлмаган хатти-ҳаракатлар ёки шу каби оммавий баёнотлар, шарҳлар ва бошқа чиқишлар жамоатчилик онгида бошқа шахсларга, жамоат ва давлат институтларига нисбатан асоссиз салбий муносабатни шакллантириш, шу билан уларни обрўсизлантириш, уларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказиш учун сабаб бўлиши мумкинлигини назарда тутиш лозим.

9. Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона кўриб чиқишга тўсқинлик қилиш ёхуд ғайриқонуний суд ҳужжати чиқарилишига эришиш мақсадида судга ҳар қандай шаклда таъсир ўтказиш, шунингдек ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона тергов қилишга тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга ҳар қандай шаклда ғайриқонуний таъсир кўрсатишда ифодаланган терговга аралашуш қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри тақиқланади ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Шу муносабат билан, Интернет тармоғи ва ОАВдаги фаоллик доирасида адвокатлар кўрсатилган тақиққа зид бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилишлари лозим.

10. Адвокат томонидан қонун ҳужжатлари, Адвокатларнинг касб этикаси қоидалари ва мазкур Мажбурий тушунтиришлар талабларига риоя этган ҳолда Интернет тармоғида ёки оммавий ахборот воситаларида қуйидаги ахборотнинг тарқатилиши этика нормаларининг бузилиши сифатида баҳоланиши мумкин эмас:

- ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот;
- қонунчиликни тушунтириш ва ҳуқуқий саводхонликни оширишга қаратилган ахборот;

- қонун ҳужжатларини, суд амалиётини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича асослантирилган таклифларни ўз ичига олган ахборот;
- адвокатлик сирини сақлаш тўғрисидаги талабларга риоя этилишини ҳисобга олган ҳолда ҳимоя позициясига ва уни амалга оширишга тааллуқли бўлган ахборот;
- шахсни ушлаб туриш факти, вақти ва жойи, ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахс сақланаётган жойи, ушлаб туришни (қамоққа олишни) амалга оширган ва иш бўйича тергов (суриштирув) олиб бораётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган тўғрисидаги ахборот;
- терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговнинг бориши ҳамда натижалари тўғрисидаги ахборот, бундан қонунга кўра ошкор қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар мустасно;
- очиқ суд муҳокамаси ҳар қандай босқичининг бориши ва натижалари, шу жумладан қабул қилинган суд қарорларининг асослантирилган танқидий таҳлилини қамраб оладиган ахборот;
- ҳуқуқий ва бошқа масалаларга тааллуқли ахборот.

11. Интернет тармоғида касбий фаолият билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишда адвокат Интернет тармоғидаги аккаунтнинг хатто максимал махфийлик параметрларидан фойдаланилса ҳам жойлаштирилган ахборотларнинг тўлиқ ҳимояси кафолатланмаслигидан келиб чиқиши керак.

Шу сабабли адвокатлар адвокатлик сирини ёки уларга касбий фаолиятини амалга ошириши муносабати билан маълум бўлиб қолган қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг сақланишини ва Интернет тармоғида ошкор этилмаслигини таъминлаш масалаларига ўта эҳтиёткорлик ва масъулият билан ёндашишлари лозим. Адвокатларнинг ОАВ билан ўзаро муносабатларига ҳам худди шундай талаб тадбиқ этилиши керак.

12. Адвокат ишонч билдирувчилар (ҳимоя остидаги шахслар), ҳамкасблар, судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, процессуал рақиблар ҳамда адвокатнинг касбий фаолиятига алоқадор бошқа шахслар ва уларнинг бирлашмалари билан Интернет тармоғида алоқалар ўрнатиш ва мулоқот қилишда манфаатлар тўқнашуви, шунингдек адвокатнинг мустақил нуқтаи назарига шубҳа туғилишига йўл қўймаслик лозим.

Адвокатнинг Интернет тармоғида ишонч билдирувчи ёки ҳимояси остидаги шахснинг процессуал рақиблари билан ҳар қандай алоқалари, муайян ҳолатларда, Адвокатнинг касб этикаси қоидаларини бузиш тариқасида баҳоланиши мумкинлигини назарда тутиш керак.

13. Адвокатлар Интернет тармоғи ёки ОАВда ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар сифатида фаоллик кўрсатиб, фойдаланувчилар томонидан юридик маслаҳат сифатида баҳоланиши мумкин бўлган оммавий баёнотлар қилишга эҳтиёткорлик билан ёндашишлари лозим.

Қилинган баёнотлар ва шарҳларнинг турлича талқин қилинишига йўл қўймаслик учун адвокатлар ўзларининг қандай мақомда эканликларини ва улар томонидан жойлаштирилган ахборот, берилган шарҳлар ёки баёнотларга

профессional маслаҳат сифатида таяниш мумкинлиги юзасидан тушунтиришлар беришлари керак.

Бунда қонунчиликнинг юридик маслаҳат бериш ёки бошқа шаклда юридик ёрдам кўрсатиш фақат адвокат ва ишонч билдирувчи ўртасидаги ёзма келишув (шартнома) асосида амалга оширилиши мумкинлиги тўғрисидаги талабидан келиб чиқиш зарур.

14. Адвокатлар Интернет тармоғида ишонч билдирувчи шахслар билан алоқа ўрнатишда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш ва камайтириш чораларини кўриш, ишонч билдирувчиларни лозим даражада текшириш ва ички назоратни амалга оширишга доир талаблари ижросини таъминлаш имконияти нуқтаи назаридан эҳтиёткор бўлишлари лозим.

15. Адвокатлар Интернет тармоғида ҳар қандай турдаги фаолликни амалга оширишда адвокатларнинг қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган фаолият турларидан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият турлари билан шуғулланишини тақиқловчи қонунчилик талабларига қатъий риоя қилишлари лозим.

16. Юқорида санаб ўтилган тушунтиришлар адвокатнинг Интернет тармоғидаги ва ОАВ билан ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатларига, агар унинг адвокатлар ҳамжамиятига мансублиги аниқ бўлса ёки бу унинг ҳуқуқ-атворидан аниқ келиб чиқса, татбиқ этилади.